



2020 йил 7 октябр

1090-Қ - сонли

Ishtixon sh.

“КУЛОТА” масъулияти чекланган жамиятига “Мармар кони очиш ва экспортбоб махсулотлар ишлаб чиқариш ҳамда мрамарни қайта ишлаш” учун ер майдони ажратиш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 4 декабрдаги “Ер қаърини геологик ўрганиш, фойдаланиш ва муҳофаза қилиш соҳасидаги бошқарув ва назорат қилиш тизимини янада такомиллаштириш тўғрисида”ги ПҚ-983-сонли қарори ижросини таъминлаш мақсадида ва Ўзбекистон Республикаси «Ер кодекси»нинг 6 ва 20-моддаларига асосан ҳамда «КУЛОТА» масъулияти чекланган жамияти раҳбари И.Усмановнинг туман ҳокими номига ёзган хатини ҳамда туман ҳокимлиги хузуридаги Ер участкаларини бериш (реализация қилиш) масалаларини кўриб чиқувчи комиссия аъзоларининг 2020 йилдаги далолатномасини кўриб чиқиб

Қ А Р О Р Қ И Л А М А Н :

1. Ўзбекистон Республикаси Давлат Геология ва минерал ресурслар кўмитасининг 2020 йил 5 июни Норуда фойдали қазилмаларни ўз ичига олган ер қари участкасидан фойдаланиш ҳуқуқи учун берилган Литсензияси маълумот учун қабул қилинсин.

2. «КУЛОТА» масъулияти чекланган жамиятига Мармар кони очиш ва экспортбоб махсулотлар ишлаб чиқариш ҳамда мрамарни қайта ишлаш” учун “Бўстон нузли келажаги” агрофирма ҳудудидаги кульота тоғ тизмаларида жойлашган 169-рақамли контурдаги қишлоқ хўжалиги ва ўрмон хўжалигида фойдаланилмайдиган бошқа ер тоифасидаги 5,0 гектар ер майдони 26 йил муддатга ижарага ажратиб берилсин.

3. «КУЛОТА» масъулияти чекланган жамияти раҳбари (И.Усманов)га мрамар кони очишга геологик қидирув ишларини олиб бориш лойиха ҳужжатлари асосида тегишли идоралардан рўйхатдан утгандан кейин амалга ошириш топширилсин.

4. Туман Ер ресурслари ва давлат кадастри бўлими бошлиғи (М.Примов)га ўзидаги тегишли ҳужжатларга ўзгартириш киритиш вазифаси топширилсин.

5. Мармар кони очишга геологик қидирув ишларини олиб бориш ишларини лойиха ҳужжатлари асосида бажарилишини назорат қилиш туман бош архитектори (А.Муродов)га топширилсин

6. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш туман ҳокимининг ўринбосари (У.Исломов) зиммасига юклатилсин.

Туман ҳокими:



Ш.Негматов